

# Маҳалла

1996 йилдан чиқа бошлаган \* 2013 йил 30 март. Шанба №27 (887) \* www.mahallagzt.uz \* info@mahallagzt.uz

## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН БИРИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2013 йил 29 март куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси ўз иштини давом эттирди.

Сенаторлар ялпи мажлисининг иккинчи иш кунини Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган амалдаги қонунчиликка ривож қилинишининг аҳоли ва бу борадаги прокурор назоратини янада кучайтириш чоралари тўғрисидаги ҳисоботини тинглашдан бошладилар. Қайд этилганидек, мустақиллик қўлга киритилган дастлабки қўнлардан оқ инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш жамият ва давлат қўриқлигининг энг муҳим устувор йўналиши, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг, қонун ижодкорлиги фаолиятининг мақсади ва мазмунидир.

Инсон манфаатлари устуворлигини, шунингдек, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдидagi масъулиятини мустақамлаб қўзғатган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қоидаларига мувофиқ, Ўзбекистонда фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича катта ҳуқуқий база яратилган.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг яхлит ташкилий-ҳуқуқий механизми тизими шакллантириди. Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар — Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, «Ижтимоий фикр» маркази ҳамда бошқалар ташкил этилди ва самарали фаолият кўрсатмоқда.

Суд ҳокимиятини мустақамлаш, суднинг мустақамлигини таъминлаш, уни инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоячиси бўлиб хизмат қиладиган мустақил давлат институтига айлантириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилган. Дастлабки тергов босқичида суд назоратини кучайтириш бўйича комплекс чоралар қўрилган. ННТ, бошқа фуқаролик жамияти институти демократик қадриятларини, инсон ҳуқуқлари, эркинликларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилга айланиб бормоқда.

Ҳисоботда курсатиб ўтилганидек, суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни либераллаштириш прокуратура органлари фаолиятининг мазмуни ва шакллари жиддий ўзгаришга учирди, унинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш вазибаларини кучайтирди. 2001 йилда янги таҳрирда қабул қилинган «Прокуратура тўғрисидаги Қонун фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган қўнлар ижросини назорат қилишни прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишидан бири сифатида белгилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 мартдаги Фармонида мувофиқ прокуратура органлари тар-

кибида Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш босқичлари ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари тузилиди. «Хабас-корпус» институтининг жорий этилганлиги, қўйи прокурорларнинг дастлабки тергов босқичидаги бир қатор назорат ваколатлари чиқариб ташланганлиги, Жиноят кодекси бир қатор моддаларининг терговга таллуқлиги ўзгартирилганлиги ва бошқа чоралар прокуратура органларига эътиборни ўзларининг энг муҳим вазибаларини мансабдор амалга ошириш — инсон ҳуқуқлари, эркинлик ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш соҳасидаги қонунлар ижросини назорат қилишга жамлашига имкон берди.

Айни вақтда, маърузада кўрсатиб ўтилганидек, фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида яратилган норматив-ҳуқуқий базани, ташкилий-ҳуқуқий механизмларни рўйбга чиқариш борасидаги иш шу куннинг талабларига ҳали тўлиқ жавоб бермайдди. Жойларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонун талабларини мансабдор амалга ошириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан инкор этилиш, фуқароларнинг мунозараларини, шикоятлари юзасидан чоралар кўрмаслик, фуқароларнинг иқтисодий, ижтимоий, меҳнат ва бошқа манфаатларига даҳдор масалаларни ҳал қилишда суньестемолларга йўл қўйиш ҳолатлари мавжуд. Бундай амаликлар Давархиттектўрилиш, Давгезодезеркастр, Маданият ва спорт ишлари вазири, Олий ва ўрта махсус таълим вазири ва бошқаларнинг фаолиятида аниқланган.

Прокуратура органлари ўзларининг ҳуқуқни ҳимоя қилиш вазибаларини амалга ошира бориб, қонунлар, шу жумладан, «Фуқароларнинг мунозаралари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш соҳасидаги бошқа қонун ҳужжатлари аниқ ва бир хилда ижро этилишини назорат қилиш яқунлари бўйича 2012 йилда давлат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг қонунчилик талабларига мос бўлмаган ҳамда фуқароларнинг қонуний манфаатларига даҳдор бўлган 1350 та ҳужжатига протест келтирган. Инсон ҳуқуқлари бўйича қонун ҳужжатларининг талабларини инкор этиш, фуқароларнинг мунозараларини кўрмасдан қолдириш, улар кўтараятган муаммолар бўйича чоралар кўрмаслик ҳолатлари юзасидан прокурорларнинг қарорлари ва тақдимномалари асосида тегишли мансабдор шахслар интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилган, жиноят ишлари қўзғатилган ҳолатлар мавжуд. Инсон ҳуқуқларига доир қонунларнинг моҳиятини аҳолига тушунтириш мақсадида 2012 йилда прокуратура органлари томонидан 125 мингдан ортиқ тадбир ўтказилган, оммавий ахборот воситаларида 23 мингдан ортиқ чиқиш амалга оширилган.

(Давоми 2-бетда).



## «ТАШАББУС — 2013»: ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун «Ташаббус — 2013» кўрик-танловининг республика босқичи яқунланди

Баҳор — байрамлар фасли. Бу гўзал фаслда қуёш олтин нурларини сочиб, шаббода дилларни эркалайди, гулга кирган дарахтлар ва гулзорлар киши баҳри-дилини очди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ўтказиб келинаётган «Ташаббус» республика кўрик-танлови шундай ёрқин ва кишига илҳом бағишлайдиган тадбирлардан. Танловнинг «Ташаббус» деб номлангани ҳам равишан маънога эга. Тадбир Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Фермерлар кенгаши ва

«Хунарман» халқ хунармандлари уюшмаси томонидан мамлакатимиз вазирилик ва идоралари билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Ушбу тадбирда халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти, ҳаётини янада маъмурий ва фаровон этиш йўлидаги эзгу иштишулари ёрқин намоён бўлади. Бунга

«Ташаббус — 2013» кўрик-танлови республика босқичида ҳам яна бир бор ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида озиқ-овқат маҳсулотлари, доридармон, маиший техника, кийим-кечак, мебель, миллий заргарлик буюмлари ва бошқа кўплаб маҳсулотлар намойиш этилди. Бу экспозиция ранглар уйғунлиги ва ёрқинлиги билан ҳар қандай одамни эртдан эртдан баҳор гўлдасгани эслатади.

(Давоми 2-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ТИББИЁТ ТАЪЛИМИ САМАРАЛАРИНИНГ ЯНА БИР ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФИ

Истиқлол йилларида Ўзбекистон Республикасида 1997 йилда қабул қилинган «Таълим тўғрисидаги» қонун ва Қадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ таълим тизимини, шу жумладан, соғлиқни сақлаш тизимининг қадрлар инфратузимида ислох қилишга доир кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, қайд этилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қондилари, шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йилда имзоланган Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш даъват дастури босқичларини белгилаб берган 2107-сонли фармонида биноан олий тиббий маълумот халқаро стандарт — икки босқичли олий тиббий маълумотга ўтказилди.

Масалан, таълимнинг биринчи босқичи — бакалавриятда ўқитишда барча тиббий олий ўқув юрталари қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникаларда ишлаши мумкин бўлган умумий амалиёт

шифокорларини (умумий педиатр, умумий гигиена-эпидемиолог, умумий стоматолог) тайёрлаш йўлига қўйилди. Бу мамлакатимиз аҳолисига, биринчи навбатда, қишлоқ аҳолисига юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш имконини бермоқда. Тиббий таълимнинг иккинчи босқичи — магистратура 46 тор мутахассислик (жарроҳлар, кардиологлар, офтальмологлар, юқумли касалликлар шифокорлари ва бошқалар) бўйича шифокорлар тайёрлашни назарда tutади. Бундай мутахассислар соғлиқни сақлаш тизимининг иккинчи ва ихтисослаштирилган бўғинлари, тиббий таълим ва илмий муассасаларда ишлаши учун тайёрланмоқда.

Бунда шифокорлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш масаласи тиббий ёрдам сифатини яхшилаш ва юқори малакали мутахассисларни тайёрлашда гўят муҳим аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, ҳукуматимизнинг қатор қарорлари асосида олий ўқув юрт-

ларида таълим жараёнининг моддий-техник базасини модернизация қилиш, талабаларнинг яшаш ва маиший шароитини яхшилаш, янги спорт иншоотларини фойдаланишга топшириш, мавжудларини реконструкция қилиш ишлари амалга оширилаётган.

Шу билан бирга, янги педагогик технологиялар ва инновацияларни жорий этиш давом эттирилмоқда, ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда замонавий техник ўқитиш воситалари кенг қўла нимлоқда. Мамлакатимизнинг етакчи олий тиббий таълим амаиётда истиқболли ҳисобланади ва мангидан мустақил фикрларини ривожлантиришга хизмат қилади. Бу бўлажак шифокорни тайёрлаш жараёнида муҳим аҳамият касб этади.

(Давоми 2-бетда).



## ЮРТИНГ ОБОД — ДИЛИНГ ОБОД

БОЛАЛАРГА БАҒИШЛАНГАН АКЦИЯ

Республика болалар ижтимоий мослашуви марказида «Аутизмга чалинган болаларга ёрдам кўйини чўзин!» деб номланган акция бўлиб ўтди.

«Sen Yolg'iz Emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирга шифокорлар, педагог-психологлар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий дипломатик корпус вакиллари, чет эллик мутахассислар таклиф этилди.

«Sen Yolg'iz Emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси Васийлик кенгаши раиси Л.Каримова-Тилпаева 2004 йилда ташкил этилган Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази имконияти чекланган ўғил-қизларни тиббий, педагогик-психологик реабилитация қилиш, кучли ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг жамиятга интеграциялашувига яқиндан қўмақлаштиш, жумладан, аутизм хасталигига чалинган болаларга коррекцион-даволаш муолажаларини кўрсатишга хизмат қилаётганини таъкидлади. Бунда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлод қамолотига қаратилаётган доимий эътибор, уларнинг ҳеч кимдан кам бўлмай уйғайиши учун барча имкониятлар яратилаётганини муҳим омил бўлаётган.

Замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган марказда илгор педагогик-психологик ёндашуви ва махсус даволовчи машғулотлар орқали касаллик аломатларини бартараф этиш, хасталик белгилари зўрайишининг олдини олиш, болаларнинг сенсор (сеизиш) идрокини ривожлантириш борасида салмоқли ютуқларга эришилмоқда. Марказ мутахассис ва олимплари томонидан инклюзив таълимни ривожлантириш, алоҳида эҳтиёжли болаларнинг муаммоларини ўрганишга оид илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Марказнинг ахборот-консалтинг хизматида мусиқий терапия, гидрокинезотерапия сингари машғулотлар болаларда учрайдиган аутизм белгиларини бартараф этишда, уларнинг ижодий-интеллектуал, жисмоний ривожланишига хизмат қилаётган. Тадбир доирасида болалар бодий ижодийи кўргазмаси ташкил этилиб, махсус мактаб-интернатлар ва меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган болалар иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

Назокат УСМОНОВА,  
ЎЗА муҳбири.

## ЗУЛФИЯХОНИМ ИЗДОШЛАРИ

## ИҚТИДОРГА ЮКСАК ЭЪТИБОР



Бекобод туманидаги Далварзин маиший хизмат касб-хунар коллежи талабаси Мухаббат Тоирова энди ўн саккиз баҳорни қаршилади. Бу илғи баҳор унга омад ва бахт эшигини очди: муҳтарам Юртбошимизнинг қарорига асосан Зулфия номидаги Давлат муқофотига сазовор бўлди.

ЎЗА.

> [4]

## ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ МИНТАҚАВИЙ АКСИЛТЕРРОР ТУЗИЛМАСИ КЕНГАШИНИНГ ЙИГИРМА ИККИНЧИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Тошкент шаҳрида 2013 йил 29 март куни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтерро тузилмаси (ШХТ МАТТ) Кенгашининг навбатдаги йигирма иккинчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Қозғоғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғиз Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси вакиллари иштирок этди.

ШХТ МАТТ Кенгаши томонидан ШХТга аъзо давлатлар ваколатли органларининг ШХТга аъзо давлатлар ҳудудидagi озодликдан маҳрум этиш жойларида жазони ўтаётган шахсларни террористик ва экстремистик ташкилотларга жалб этишга қарши курашиш бўйича қўшма чора-тадбирлари тасдиқланди.

ШХТга аъзо давлатлар ваколатли органларининг терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш борасидаги иш режалари тасдиқланди. Терроризмга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни мустақамлаш мақсадида ШХТ МАТТ Биран МДХ Терроризмга қарши курашиш маркази уртасида ШХТ ва МДХга аъзо мамлакатлар ҳудудидagi таълимнинг йирик халқаро тадбирлар пайтида хавфсизликни таъминлашда ҳамкорликни ташкил этиш тўғрисидаги протокол лойиҳаси маъқулаанди.

Ахборот соҳасида ҳамкорликни мустақамлаш масалаларига бағишланган халқаро конференция ўтказишни ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Мажлисида ШХТ МАТТ Кенгашининг ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашига ШХТ МАТТнинг 2012 йилдаги фаолияти тўғрисидаги маърузаси лойиҳаси маъқулаанди, ШХТ МАТТ Ижроия қўмитаси директори Чжан Синьбиан МДХ Терроризмга қарши курашиш маркази уртасида ШХТ ва МДХга аъзо мамлакатлар ҳудудидagi таълимнинг йирик халқаро тадбирлар пайтида хавфсизликни таъминлашда ҳамкорликни ташкил этиш тўғрисидаги протокол лойиҳаси маъқулаанди.

ШХТ МАТТ Ижроия қўмитасининг утган даврдаги фаолияти ижобий баҳоланди. ШХТ МАТТ фаолиятини ривожлантириш ва ШХТга аъзо давлатлар ваколатли органлари уртасидаги ҳамкорликни мустақамлаш ишига қўшган шахсий ҳиссаси учун ваколатли органлар ва ШХТ МАТТ Ижроия қўмитасининг бир қатор ходимлари Кенгаш Ёриққлари билан муқофотланди.

ШХТ МАТТ Ижроия қўмитаси фаолиятини ташкилий, кадрлар ва молиявий жиҳатдан таъминлашга доир масалалар юзасида қарорлар қабул қилинди. ШХТ МАТТ Кенгашининг навбатдаги мажлисини 2013 йил 20 сентябрь куни Россия Федерацияси ҳудудида ўтказиш тўғрисида келишиб олинди.

ШХТ МАТТ Ижроия қўмитаси директори лавозимига янги-дан тайинланган Чжан Синьфэннинг лавозимга киришиш маросими ўтказилди. ШХТ МАТТ Кенгаши ишида ШХТ Бош котиб Д.Мезенцев, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Э.Арипов, ШХТга аъзо давлатларнинг Ўзбекистон Республикасидаги элчилири иштирок этди. Кенгаш мажлиси ишчанлик, амалий мулоқот ва дўстона руҳда ўтди.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЁН БИРИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ



(Давоми. Боши 1-бетда).

Маърузада кўрсатиб утилгандак, Бош прокурор томонидан қонунчилик ташаббуси тартибда Олий Мажлисга инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилиш соҳасидаги қонун талабларини бугунги кунда давлат органлари мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини оширишга қаратилган қонун лойиҳасини киритиш мўлжалланмоқда.

Муҳокамада сўзга чиққан сенаторлар давлат тузилмаларининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиш соҳасидаги ишни тубдан яхшилаш зарурлигини кўрсатиб ўтди.

Бу соҳадаги қонунларни сўзсиз ижро этиш демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг гоят муҳим шартидир.

Сенаторлар томонидан прокуратура органларининг фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган таклиф

ва тавсиялар баён этилди.

Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофазаси қилиш давлат қўмитасининг ҳисоботини муҳокама қилиш вақтида қайд этилдики, Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофазаси қилиш давлат қўмитасининг 2012 йилдаги фаолияти атраф-муҳитни муҳофазаси қилиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, мамлакатда экологик вазиятни соғломлаштириш соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини таъминлашга қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2012 йил 24 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофазаси қилиш давлат қўмитасининг 2011 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ҳақида»ги қарорини рўйхатдан чиқариш мақсадида қабул қилинган таъбирлар дастурига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофазаси қилиш давлат қўмитаси

муҳофазаси қилиш давлат қўмитаси томонидан 12 та асосий йўналиш бўйича 48 та таъбирнинг баъжарилиши таъминланган. 2008-2012 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атраф-муҳитни муҳофазаси қилиш ишлари дастурини бажаришга алоҳида эътибор берилган.

Ҳисоботни муҳокама қилиш асосида сенаторлар Табиати муҳофазаси қилиш давлат қўмитасининг фаолиятини янада такомиллаштириш, атраф-муҳит ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя этиш устидан назоратини куचाитириш юзасидан қўшимча чоралар кўриш, шунингдек, экологик тоза ва ресурсларни тежайдиغان технологияларни амалга ошириш киритиш бўйича аниқ таклифлар ва тавсияларни билдиришди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2012 йилда давлат бошқаруви органлари, маҳаллий дав

лат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофазаси қилиш ва назорат органлари фаолиятидаги қонунийликнинг ҳолати ҳақидаги ахборотини ҳам тингладилар. Қайд этилгандак, ўтган даврда Адлия вазирлиги томонидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятида қонунийликни таъминлаш, уларнинг қонун ижодкорлиги фаолиятини янада такомиллаштириш, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маънавиятни ошириш борасида муайян ишлар қилинган.

Чунинчи, 2012 йилда вазирилик томонидан 20 дан орტიқ давлат органи фаолиятида қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши ўрганилган. Назорат таъбирларини амалга ошириш натижалари бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, вазирилари, давлат қўмиталари ва идоралари томонидан умум-мажбурий хусусиятдаги ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ва Адлия вазириликда давлат рўйхатидан ўтказмасдан қабул қилиш, қонун ҳужжатлари билан ўзлари билан назоратни ваколатларини тегишлича бажармаслик «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонун талабларини тегишли тарзда ижро этмаслик ҳолатлари аниқланган.

Аниқланган камчиликлар бўйича адлия органлари томонидан тартибузорликларни, шунингдек, уларни содир этишга имкон берган сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилган 616 та муносабат чораси қўланилган. Манфаатдор вазирилари, давлат қўмиталари ва идораларига идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда аниқланган камчиликларни тўлдирish ва зиддиятларни бартараф этиш бўйича 80 дан орტიқ норматив-ҳуқуқий

ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш таклиф қилинган, давлат органлари юридик хизматларининг фаолиятини такомиллаштириш бўйича аниқ чора-таъбирлар амалга оширилган.

Муҳокама давомида сенаторлар давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофазаси қилиш ва назорат органлари фаолиятида қонунийликка риоя этилиши устидан тизимли назоратни куचाитириш, шунингдек, уларнинг норма ижодкорлиги соҳасидаги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги фаолиятини мувофиқлаштириш самарадорлигини ошириш зарурлигини кўрсатиб ўтди.

Шундан кейин сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди таркибларига ўзгаришлар киритиш масалаларини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига қирадиган бошқа масалаларни кўриб чиқдилар.

Қўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Сенатнинг икки кунлик мажлиси давомида 17 та масала, шу жумладан, демократик ислохотларни босқичма-босқич ҳамда изчил чуқурлаштиришга ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга йўналтирилган 7 та қонун кўриб чиқилди. Қабул қилинган қонун ҳужжатларининг рўйхати чиқарилиши аҳоли турмуш даражасини, мамлакатда барқарорлик ва оқилоналикни янада оширишнинг қубратли омил бўлади.

Шу билан Олий Мажлис Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси ўз ишини тамомлади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.**

## «ТАШАББУС — 2013»: ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ

### Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун «Ташаббус — 2013» кўрик-танловининг республика босқичи якунланди

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Навоий файз мебель» корхона стени шулар жумласидандир. Бу ерда кенг турдаги меҳмонхона, ошхона, ётоқхона ва бошқа мебель маҳсулотлари намойиш этилди. Уйга шинамалик бағишлайдиган ушбу маҳсулотлар юқори технологиялар ва фурнитурдан тайёрланган.

«Навоий файз мебель» корхонаси раҳбари Азамат Ҳожиевнинг айтишича, мазкур корхона ўз фаолиятини давлатнинг раҳбари томонидан Кичик бизнес ва хусусий таъдиркорлик йили, деб эълон қилинган 2011 йилда бошлаган. Ушанда таъдиркорлик субъектларига қўшимча имкониятлар яратиб берилган эди. Бутун ҳам улар учун солиқ имтиёзлари ва преференциялар амал қилмоқда, бизнесни рўйхатдан ўтказиш тартиб-таомиллари соддаштирилди, турли давлат ҳокимияти органларига тақдим этилганда унаб ҳисобот турлари қўқсқартрилди. Бир сўз билан айтганда, таъдиркор самарали меҳнат қилиб, ўз бизнесини ривожлантириши ва эртанги кунга ишонч билан яшаш учун барча зарур шароитлар яратилди.

Кўргазманинг бошқа иштирокчилари ҳам шундай фикрда. Дарҳақиқат, сўнгги йилларда мамлакатимизда таъдиркорлик ҳаракатини ривожлантириш учун изчил ва туб чоралар кўриляпти. Бунинг натижасида ҳўжалик субъектларининг 90 фоиздан ортигини кичик бизнес корхоналари ташкил этмоқда. 2012 йил якунига кўра, ялпи ички маҳсулотнинг 54,6 ишлаб чиқарилаётган sanoat маҳсулотларининг 22,2 ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 98 фоизи уларнинг улушига туғри келди.

Қашқадарь вилоятидаги «Нормўн бобо» фермер хўжалиги раҳбари Панжи Гелдиев ҳам бу борада катта ютуқларга эришяпти. Бу ерда фер-

мер хўжалигида етиштирилган пххта, бутдой, мева-сабзавот, чорва моллари учун озқалар, гўшт ҳамда сўт маҳсулотлари намойиш этилди.

Фермернинг сўзларига кўра, мамлакатимизда фермерлик ҳаракати аҳолини сифатли ва арзон озқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, қишлоқда sanoatни ривожлантириш, янги иш ўринларини ташкил қилиш каби муҳим масалаларни ҳал этишга хизмат қиломоқда. Мамлакатимизда фермер хўжалиқларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларнинг ер майдонларини оптимallashtiriш, ер, сув ва моддий-техника ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳисобидан рентабелликни оширишга доир комплекс чора-таъдирлар кўриляётгани самарасида бу борадаги ишлар йилдан-йилга яхши натижалар бермоқда.

Бугун фермер хўжалиги ҳақли равишда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг етакчи бўлини ва уни ташкил этишнинг асосий шакли ҳисобланади. Истиқлол йилларида қабул қилинган қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар уларнинг ваколатларини кенгайтириш имконини берди. Давлатимиз раҳбари Исом Каримовнинг 2012 йил 22 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-таъдирлари тўғрисида»ги фармонини бу борада муҳим омил бўломоқда. Аини пайтда фермерлик ҳаракати қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий қисми етиштириляётган 66 миң фермер хўжалигини ўз ичига олган.

«Ташаббус — 2013» кўрик-танловида, аининча, хўнармандларимизнинг хилма-хил стendlарни кўпчилигининг эътиборини ўзига торди. Турли хил миллий буюмлар, моҳир кулолар томонидан тайёрланган идишлар, атлас, адрас, беқасам



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Ҳолибар учта асосий — «Йилнинг энг яхши таъдиркори», «Йилнинг энг яхши фермери» ва «Йилнинг энг яхши хўнарманди» йўналишлари, шунингдек, «Йилнинг энг ёш таъдиркори», «Йилнинг энг яхши таъдиркори аёли», «Йилнинг энг яхши инновацион лойиҳаси», «Ешлар учун энг кўп иш ўринларини ташкил қилган таъдиркор», «Энг яхши солиқ тўловчи» ҳамда «Фермернинг ватани» — менинг «Фермер» каби қўшимча номинациялар бўйича аниқланди.

«2013 йилнинг энг яхши таъдиркори» номинациясида «Rubber trust» хусусий корхонасининг раҳбари Абдуллоҳим Исмоилов (Анджон вилояти) голиб бўлди. Унинг кўп тармоқли корхонасида пайабал, кийим-кечак, резина буюмлар каби ўттиздан ортиқ турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Қоракалпоғистонлик Байрамқали Дадоев «2013 йилнинг энг яхши фермери», деб топилди. У раҳбарлик қилаётган фермер хўжалиги пахта, галла, шол, балқ, қорамол етиштиришга ихтисослашган.

Бухоролик Мафзуза Салимова эса «2013 йилнинг энг яхши хўнарманди», деб эълон

қилинди. У тайёрлаган зарбоф буюмлар гоят харидорнинг бўлиб, энг нозик диди истеъмолчиларнинг ҳам талабларига жавоб беради.

— Жуда ҳаяжонданам, — деди йилнинг энг яхши таъдиркори А.Исмоилов. — Бугунги муваффақиятимиз бизни келажакда ўз бизнесимизни янада ривожлантириш ва янги лойиҳалар устидан иш олиб боришга ундайди. Гоғлар кўп, давлатимиз томонидан кўрсатилган бундай эътибор эса бизга илоҳом ва эртанги фаровон кунимизга ишонч бағишляди.

«Ташаббус — 2013» кўрик-танловининг асосий йўналишлари бўйича голибларга «Sprak» автомобиллари топширилди. Иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаётганлар пул мукофотлари, қолган йўналишлар бўйича совриндор бўлганларга компьютер тўпламлари ва бошқа қимматбаҳо совғалар берилди.

Таъдирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.Розуқов сўзга чиқди.

Меҳрибон МАМЕТОВА, УЗА мухбири.

## ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ТИББИЁТ ТАЪЛИМИ САМАРАЛАРИНИНГ ЯНА БИР ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бундан ташқари, мамлакатимиз раҳбарияти ташаббуси билан ўқитиш жараёнида барча жойларда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, профессор-ўқитувчиларнинг хорижий тилларни билиш даражасини оширишга оид қарорлар қабул қилинди. Бу ишлар гоят муҳим аҳамиятта эгадир. Негаки, тиббиёт жадал ривожланиб бораётган соҳалардан бири бўлиб, кўп ҳолларда бугун умумқабул қилинган услуб ва йўналишлар эртага ўзининг долзарблигини йўқотиши мумкин.

Шу сабабдан тиббий таълимнинг барча босқичларидаги ўқув дастурлари таълим жараёнига инсон касаликлари сабаблари ва механизмларини тушуниш, уларга ташхис қўйиш ва даволашда янги ёндашувларни жорий этиш орқали мунтазам такомиллаштириломоқда. Республика, вилоят ва туман даражасидаги даволаш-профилактика муассасаларида даволаш-таълим қўйиш жараёнининг стандартлари ҳамда протоколларини жорий этиш бўлган куннинг муҳим талабларидан ҳисобланади. Мазкур стандарт ва протоколлар далили тиббиёт асосида мамлакатимизнинг етакчи тиббий таълим ва илмий муассасаларининг сайъ-ҳаракатлари билан ишлаб чиқилмоқда. Далили тиббиёт интернет-ресурсларда жойлаштириляётган аниқ илмий маълумотлар таълим асосида тавсиялар ишлаб чиқишга кўзда тутади.

Таъкидлаш жоизки, илмий тиббиёт соҳасидаги интернет-ресурсларнинг 80 фоиздан ортининг инглиз тилидаги манбалардан иборат. Далили тиббиётдан фойдаланиш, даволаш стандартлари ва протоколларини ишлаб чиқиш, ўқув дастурларини янгилаш ва назоратда профессионал дунёқарашни кенгайтиришга пухта ёндашиш инглиз тилини, илмий интернет-маълумотлардан фойдаланишни билишни тақозо этмоқда.

Шунингдек, беморни «ётган жойда» амалий (клиник) текшириш (беморни кўздан кечирриш, беморларни клиник кўриб чиқишда, операциялар, манипуляциялар ва бошқа жараёнларда иштирок этиш) кўникмаларини мажбурий ўзастириш тиббий таълимнинг ўзига хос хусусиятларидандир. Шу муносабат билан таълим ва ишлаб чиқиш, жумладан, тиббий олий ўқув юртлари ҳамда етакчи клиник марказларнинг интеграциялашуви шифокорларнинг сифатли тайёрлашининг муҳим шартларидандир. Яъни, тиббий олий ўқув юртлари етакчи тиббиёт муассасаларидан клиник база сифатида фойдаланади. Талабаларга билим беришда нафақат олий ўқув юртлари педагоглари, балки илмий ҳодимлар ва таъдирбали шифокорлар ҳам жалб этилади.

Бундай ишлар натижасида юқорида қайд этилганлар — мамлакатимиз тиббий олий ўқув юртларининг профессор ва ўқитувчилари зиммасига катта масъуляти юкляйди. Шунинг учун педагоғлар она ва бола саломатлигини муҳофазаси қилиш, юқумли ва бошқа касалликларга қарши кўриш, мамлакатда эпидемиология барқарорлигини таъминлаш соҳасида халқаро ташкилотлар (ЖССТ, ЮНИСЕФ, Глобал фонд ва бошқалар) тавсиялари ҳамда етакчи хорижий давлатларнинг юқори самарали таъдирларини фаол ўрганиб, ўқув дастурларига жорий қилмоқда.

Тошкент педиатрия тиббиёт институтини ташаббуси билан кенг қўламли икки томонлама муносабатларни йўлга қўйган мамлакатимиздаги етакчи таълим марказларидан бири Тошкент педиатрия тиббиёт институти бунга ёрқин мисол бўла олади. Мазкур институтининг 100 нафардан ортиқ мутахассиси ҳамкорлик дастури доирасида Сумсунг, Енсейск университети ва Сеул Миллий университетининг тиббиёт марказларида малака ошириш ва тренинглада қатнашди.

Осиё тиббиёт институти раҳбари, профессор Ким Бон Су (Корея Республикаси) 2013 йил 21 январда Кореянинг «World Daily» газетасида эълон қилинган мақоласида «Ўзбекистонда тиббий таълим даражасининг юқорилигини Корея тиббий университетлари талабаларининг Тошкент педиатрия тиббиёт институтида ўқиниши унут қизиктириб ўйотди» дейилади. Шунингдек, унда «Тошкент педиатрия тиббиёт институтида таълим олиш Ўзбекистон тиббий таълимнинг талабаларни кам сонли гуруҳларда юқори малакали мутахассислар томонидан ўқитиш ва амалий дарсларни беморлар «ётган жойда» ўташга имкон қадар яқинлаштиришга асосланган ноёб таъдирларнинг амалий ифодасидир» дейилган.

Корея томони Тошкент педиатрия тиббиёт институти салоҳиятини инобатга олиб, Корея Республикаси университетлари бакалавр дипломини олган Корея фуқароларини мазкур институтида шифокорлик тайёрлашдан манфаатдор эканини билдириди. 2007 йилдан буён кореялик талабаларни интеграциялашган тиббий таълимнинг модуль тури асосида ўқитиш дастури бўйича Корея ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик доирасида Тошкент педиатрия тиббиёт институтига Корея Республикасининг ўттиз нафар фуқароси ўқинишга қабул қилинди. Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг профессор ва ўқитувчилари томонидан кореялик талабаларни ўқитиш учун ишлаб чиқилган ҳамда халқаро стандартларга мос тўрт йиллик интеграциялашган ўқув дастури педиатрия соҳасида зарур назарий билим ва амалий кўникмаларга эга бўлишига хизмат қилди. Шунингдек, Осиё тиббиёт институтининг ўқув жараёнини модернизация қилишга қўшган ҳиссаси ушбу дастурини амалга оширишда иккинчи натижаларга эришиш имконини берди.

2012 йилда кореялик уч нафар талаба Тошкент педиатрия тиббиёт институтида ўқиниши муваффақиятли тамомлаб, мамлакатимизда олган дипломларини Корея Республикасида нострификация босқичдан ўтказди ва шифокорлик лицензиясини олиш ҳамда Кореянинг етакчи тиббиёт марказларидаги клиника ординатурасида тор мутахассислиги бўйича ўқиниш давом эттириш ҳуқуқига эга бўлиш учун давлат тест имтиҳонларини топишга оид муваффақиятли топширди. Мазкур натижа Корея томонидан улкан ютуқ сифатида баҳоланди. Негаки, Корея Республикаси университетларини таъминлаган талабаларнинг 20-30 фоизигина биринчи йилда давлат тест имтиҳонларини топишга оид.

«World Daily» газетасида чоп этилган ушбу мақолада муаллиф Тошкент педиатрия тиббиёт институти битирувчиси Жанг Со Яннинг миннатдорлик сўзларини келтирган. Унда, жумладан, шундай

(Давоми. Боши 1-бетда).

дейлади: «Ўзбекистон менга шифокор бўлиш имкониятини яратиб берди ва мен бу мамлакатни энди ўзининг иккинчи Ватаним, деб биламан. Келажакда тиббиёт соҳасида таъдирбага эга бўлганимдан сўн Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимида замонавий ва самарали тиббиёт технологияларини жорий этишга ўз ҳиссамни қўшишни ниятлядаман».

Тошкент педиатрия тиббиёт институти модуль таълимнинг охири босқич талабаси Со А Ённинг АҚШда лицензияла тиббий имтиҳонларининг (USMLE) ўз босқичдан муваффақиятли ўтгани ҳам ушбу дастурнинг муҳим ютуғи ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, унга АҚШдаги етакчи тиббиёт университетларидан бирида клиника ординатураси курси бўйича ўқиниш давом эттириши ҳуқуқини берди. Шу муносабат билан Со А Ёнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Исом Каримовга Ўзбекистонда олий тиббий маълумотга эга бўлиш имконини бергани учун қўйидаги миннатдорлик мактубини йўлади:

Мухтарам Президент Жаҳонбади!

Аввалоамбор, Сизга Ўзбекистон Республикасида менга таълим олиш имконияти яратиб берилган учун ўзимнинг самимий миннатдорлигини изҳор этиш, Сизга муштақам сийҳат-саломатлик ва масъуляти фаолиятигизда янада улкан муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз.

Айни пайтда мен Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг етакчи босқич модуль гуруҳида таълим олаётганман. Бу ерда ўқитиш жараёни Сиз маъқуллаган ўқув дастури ва Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳамда Осиё тиббиёт институти (Корея Республикаси) ўртасидаги ҳамкорликка оид шартномага мувофиқ амалга оширилмоқда.

Мен болагимдан тиббий маълумот олишни орзу қилардим ва бу имкониятни Ўзбекистон Республикасида эга бўддим. Шунингдек, Ўзбекистонда эгаллаган билимларимга таянган ҳолда, АҚШ соғлиқни сақлаш тизимида ишлаш учун уч босқичли синовдан ҳам муваффақиятли ўтдим. Бу билан Ўзбекистон Республикасида берилган олий тиббий таълим даражаси халқаро стандартлардан қолишмаслигини алоҳида таъкидлашнинг истадим. Ишонч қилмакчи, бу Сизнинг сайъ-ҳаракатларингиз ва ёш авлод камолотига қаратаётган юксак эътиборингиз самарасидир.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизни мамлакатларимиз ўртасида йўлга дўстлик ва ҳамкорлик йўлга қўйилганининг 20 йиллиғи билан таъдирқлаш ҳамда Сизга сийҳат-саломатлик ва шахсий ҳаётингизда омадлар тилашга ижозат бергайсиз!

Қуқур эҳтиром ила Со А Ёнг.

Кореялик талабаларининг Ўзбекистонда олган билими ва орғитириган таъдирбаси, Тошкент педиатрия тиббиёт институти дипломининг Корея Республикаси ва АҚШда эътироф этилиши мамлакатимизда Қадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш самарасида яратилган таълим даражасининг юқорилигидан далолат беради. Корея томони шуларни эътиборга олиб, Корея Республикаси фуқароларининг Ўзбекистон Республикаси тиббий олий ўқув юртларида тиббий таълим олиш амалиётини кенгайтиришдан манфаатдорлигини маълум қилди. Шу муносабат билан кореялик талабаларининг Самарқанд давлат тиббиёт институтида ҳам модуль асосида таълим олиш режалаштирилмоқда.

УЗА.



СПОРТ

Футбол

Равшан Эрматов  
ФИФА семинарида



Тажрибали ҳакам Равшан Эрматов Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказилаётган ФИФА ҳакамлар семинарида иштирок этмоқда.

Ушбу семинарда келас йили Бразилияда бўлиб ўтадиган футбол бўйича жаҳон чемпионати бахсларида иштирок этишга номзод 52 нафар рефери қатнашаётди.

Эйтиборлиси, Осиёнинг турт карра энг яхши ҳаками Равшан Эрматов «ЖЧ — 2014» финал босқичида иштирок этишга номзодлар рўйхати киритилган.

Бокс

Рингда ёшлар



Чирчиқ олимпия захиралари коллежиде бокс бўйича ўсмирлар ўртасида давом этаётган Ўзбекистон чемпионатида 250 нафарга яқин спортчи ўн беш вази тоифасида голиблик учун куч синачмоқда.

Мазкур мусобақа боксчиларимиз учун жорий йилнинг 13-24 апрель кунлари Қозогистонда бўладиган навбатдаги Осиё чемпионатига саралаш босқичи вази фасини утайди.

Мамлакат чемпионатининг дастлабки учрашувларида пойтахтлик Х.Журабеков, наманганлик О.Орифжонов, сурхондарёлик Ф.Каттақулов, самарқандлик Н.Рофиев, қорақалпоғистонлик А.Ийүдошев, жиззақлик А.Аҳмедов, бухоролик А.Хўжақулов, андижонлик М.Қаҳҳоров, фарғоналик Ж.Собиров, хоразмлик Б.Юсупов, қашқадарёлик А.Ёрбутаев, сирдарёлик А.Эйтиборлиси, навоййлик Ш.Нормуҳамидов ҳамда Тошкент вилояти вакили А.Мааликов каби иқтидорли боксчилар рақибларини мағлубиятга учратишди.

Ўзбекистон чемпионатининг голиб ва совриндорлар 31 март кuni аниқланади.

Жамила СОВТОВДИЕВА.

ЗУЛФИЯХОНИМ ИЗОШЛАРИ

ИҚТИДОРГА ЮКСАК ЭЪТИБОР

< 1

— Интилишим ва камтарин меҳнатини юксак баҳолаган муҳтарам Президентимизга чин кунгидан миннатдорлик билдираман, — дейди Муҳаббат. — Эришяётган ютуқларимда, айниқса, Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлишимда мени қўллаб-қувватлаб, етарли шароитларни яратиб берган ота-онам ва устозларимнинг муносиб ҳиссалари бор, албатта. Айниқса, коллежизмининг информатика фани ўқитувчиси Каримжон Бердиқулов мендан ёрдамни аямдаи, электрон ўқув-қўлланмалари яратишимда бош-қош бўлди.

Муҳаббат Зафар шаҳарча фуқаролар йиғини «Истиқлол» маҳалласидаги ўқитувчилар оиласида камол топти. Худуддаги бумумтағлим мактабиде ўқиб юрган чоғидеки ўзининг одоби, ҳуқли, билимга чанқоқлиғи билан тенгдошлари орасида ажралиб туради. Айниқса, ўз иқтидорини намоён этишга тинимсиз инти-

ларди. Шу боис 2006 йилда «Янги авлод» боилар ижодиёти фестивалининг тасвирий санъат йўналиши бўйича туман, вилоят босқичларида энг юқори натижаларга эришиб, республика босқичида ҳам муваффақиятли иштирок этди.

Юқори синфларга ўтганида Муҳаббатда информатика фанига кучли иштиёқ пайдо бўлди. Ҳозирги замон илм-фани, техника ва бошқа соҳаларни аҳборот технологияларисиз тасаввур қилиб бўлмаслигини англаб, устозлар кўмағида шу фани пухта эгаллашга киришди. 2010 йилда ушбу фан бўйича олимпиадада иштирок этиб, вилоятда биринчи ўринни эгаллади. 2011 йилда эса «Келажак овози» ташаббусининг вилоят босқичида биринчи ўринни олиб, республика босқичида ҳам қатнашиб бахтига мусалас бўлди.

2012 йил ҳам Муҳаббат учун омадли келди. Дастлаб Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ташкиллаштирилган «Диплом билан бизнесга» лойиҳасида

муваффақиятли иштирок этди. Нуфузли банк идорасининг сертифици ва имтиёзи кредитини қўлга киритди. Меҳнатдан қочмайдиан тиришқоқ ўқувчи қиз ушбу лойиҳа доирасида ўзининг кичик деҳқон хўжалиғида паррандачиликни йўлга қўйишга эришди.

Шу билан бирга, электрон услубий қўлланмалар яратиш устида изланиш олиб борди. Натижада унинг «Қизилқармат математика», «Биласизми, кичкинтой?», «Қаттиқ Хми, юмшоқ Ҳ?» электрон услубий ресурслари Халқ таълими вази ралигининг сайтыга жойлаштириб, республика мактабларининг бошланғич синфларида ўқув қўлланмаси сифатида фойдаланишга тавсия этилди. Қизлар учун тузилган «Зулфияхоним қизлари» электрон ўқув қўлланмаси эса Муҳаббатнинг ўз тенгдошлариға муносиб тўхтаси бўлди.

Маълумки, ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Урта махсус ва касб-ҳунар таълими мар-

кази томонидан республикамиздаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари талабалари ўртасида фан олимпиадалари ўтказилади. Тиниб-тинчимас аълочи қиз бу йил ушбу олимпиаданинг туман ва худудий босқичларида муваффақиятли қатнашиб, вилоят босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Айни кунларда у ана шу нуфузли синонга пухта тайёргарлик кўрмоқда.

Муҳаббат Тоированинг Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганини Бекобод тумани аҳли ниҳоятда хурсандчилик билан кутиб олди. Чунки ушбу туман қизлари 2012-2013 йилларда кетма-кет ана шундай юксак мукофотга сазовор бўлдилар. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимиз ёшларига билим ва истеъдодларини намоён этишлари учун етарли шароитлар яратилган, ёш иқтидор эгаларининг давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланаётгани самарасидир.

Каримқул МАВЛОНОВ.



Теннис

Оқулнинг навбатдаги муваффақияти

Таниқли спортчимиз Оқул Омонмуродова Францияда ўтказилаётган халқаро турнирнинг яққалиқлар баҳсида муваффақиятли ўйнамоқда.

Ҳамюртимиз асосий турнир дастлабки баҳсида қозогистонлик Зарина Диевни 7:5, 6:4, иккинчи учрашуда италиялик Коринна Дентонини 6:2, 6:4 ҳисобида мағлубиятга учратиб, чорак финалда йўланма олди.

Гадағи беллашувлар янада мурасис кечиши аниқ.



Наврўз шукӯҳи

МЕҲР-ОҚИБАТ АЙЁМИ

Зангиота туманидаги «Нурафшон» маҳалла гузаридан куй-қушиқлар, болажонларнинг қувноқ қийқириклари таралиб, шўх-шодон рақслар маҳалла аҳлининг хурсандчилигини зоҳир этди.

Бундай шодонлик замирида гўзал қадриятларимиздан бўлиши Наврўз айёмининг фусункор оҳанрабои мужассам.

— Наврўз байрамини нишонлаш ажодларимиздан мерос анъана, — дейди фуқаролар йиғинининг диний матърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Гулҳебра Пулатова. — Маҳалла фаоллари билан байрам тадбирини ташкиллаштириш юзасидан агрофалича фикрлашиб, келишиб олдик. Кечаги «Сумалак сайли» бугунги Наврўз шодибасига уланиб кетди.

Дастурхонни безаб турган қўксомса, кўкчуваре, кўкманти, кўкпопқа каби баҳорий таомларни маҳалла хотин-қизларининг ўзлари меҳр билан тайёрлашган. Наврўз паловхонтураси тортила бошлаганида, йиғинининг масъуа котили Рих-



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

сивой Бобобеков қуйидаги фикрларини билдирди:

— Наврўзда халқимизнинг энг эзгу қадриятлари яққоёр намоён бўлади. Хусусан, ҳомиладаримиз байрам дастурхони ёзишни ўз зиммасига олишди. Маҳалламизда ўз ёрдами аямайдиган инсонлар кўп. Бугун кексалар, беморлар ҳолидан ҳам хабар олиб, сумалак

ва ош тарқатдик.

Чиндан-да, Наврўз айёми нафақат табиати уйғотиши, балки кишилар қалбидаги бир-дамлик, меҳру оқибат, яқинлар, қариялар, беморларга ёрдамга муҳтож кишилар ҳолидан хабар олишдек эзгу фазилатларни ҳам юзага чиқараётди.

Умида УЗОҚОВА.



Чигиртка «ёмғир»и

Мадагаскарға ёппасига чигиртка ёпирилиб, мамлакат худудининг деярли ярмини эғалаб олди.

Бундай ҳодиса бу ерда ярим асрдан бери кузатилмаётган эди. Тахминларға қараганда, мазкур ҳодиса туфайли орол-давлат аҳолисининг 60 фоизига очлик хавф тулдирши мумкин.

Чигирткаға қарши курашиш учун зудлик билан 22 миллион АҚШ доллари ажратиш лозим. Зураркунандалар

асосан яйловлар ва шоли экилган далаларға зарар етказаетди. Гуруч эса Мадагаскарда асосий озиқ-овқат маҳсулоти ҳисобланади.

БМТ озиқ-овқат ва кишлoқ хўжалиғи ташкилотининг маълумотларига қўра, бу ҳодиса мамлакатда оммавий очарчиликни келтириб чиқариши мумкин.

Шоколадларда пластмасса

«Reuters» ахборот агентлигининг ёзишича, «Nestle»нинг энг оммалашган маҳсулотларидан бири бўлиши «Kit Kat» шоколадларидан пластмасса чиққан.



Яроқсиз, деб топилган махсулотларнинг асосий қисми Буюк Британиядан топилад. Шундан сўнг, «Kit Kat» шоколадларини Германия, Швеция, Австрия ва Канадада ҳам савдодан олиб ташлашга қарор қилинди.

Яхмалакда тўқнашув

«Associated Press» ахборот агентлигининг хабар беришича, Австрия шимоли-шарқидеги музлаган автотрассада 100 дан ортиқ автомобиль тўқнашди.

Бу ҳодиса Санкт-Пельтен шаҳри яқинида содир булган. Қўтқарув хизматининг вакили хабарига қўра, яхмалак ва қор ёғиши 60 га яқин ентил, 40 тача юк автомобил ва битта йўлов-

чи ташийдиган автобуснинг тўқнашишга сабаб бўлди.

Воқеа жойига олита ўт учирувчилар гурӯҳи, бир нечта «тез ёрдам» машинаси ва қўтқарув хизмати вертолети етиб борган.

Кема фарқ бўлди

«France-Presse» ахборот агентлиғи хабарига айтилишича, Нигерия соҳилидан 70 км. узоқда ёғочдан ясалган кема фарқ бўлган.



Кема бортида 166 киши бор эди. Икки киши тирик, қолганларнинг эса тақдирини нотаъмул. Кема мамлакат жанубидеги Орон портидан чиқиб, Табон соҳилига йўл олган эди.

Интернет маълумотлари асосида Н.ЮНУСОВА тайёрлади.

Эълон

Анджон вилояти Марҳамат туманидаги «Sherbek uyali aloqasi» кичик корхонаси мастъуляти чекланган жамиятга айлантирилишини маълум қилади.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Наманган вилоят бўлими бошқаруви ҳамда Минбулоқ туман бўлимида жамоалари тумандаги Гурлепа қишлоқ фуқаролар йиғини раиси И.Нурмутовга падаи бузқувқори Эркин отанинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик билдиради.

МУЛОҲАЗА

АСКИЯ АКСИГА АЙЛАНМАСИН...

...Маҳалла гузаридеги чойхона. Соя-салқин сўрилларда ёнбошлаган отахонлар юзларида нимтабассум. Давра қурган кишилар — аскиячилар сўз ўйинига берилмишган.

Дам-бадам шўх қаҳқаҳа янграйди. Маромига етказиб айтилган илмоқли гаплардан сўнг оқшилар, қарсақлар янграйди. Ҳатто турқовоқлардаги беданалар ҳам қизичиларни қувватлагандек аҳён-аҳёнде сайраб, аскиялардан завқланади гўё. Чойхоначи кўк чойни қайтарган кўин шақиллаб қайнаётган самоварини-да унутди. Чойхонага кам бўлганлар тағдор гаплар мағзини чақич учун аскиябозларға қулоқ тутди.

«Ҳой, фалончи!»  
«Лаббай!»  
«Гулмисиз, райҳонмисиз, жамбил-мисиз?»  
«Айтганингизман...»

Хушчақчақ ва кутили сўз ўйини — аския оадата айнан шундай бошланади. Эркаклар жамоаси иштирок этадиган ушбу ҳажвиеддан ажодларимиз завқланиб, мириқиб кулиб, сўз сеҳриндан баҳра олишган. Ота-боболаримиз инсон феъл-атвори ва ҳаётдаги кутили жиҳатларни нозик илғай олгани, серзавқ ва сўззамоллиғи боис ҳажвий жанрларимиз ниҳоятда хилма-хил.

Қизичиликнинг юртимизда кенг ёйилганининг яна бир муҳим жиҳати шундаки, она тилимизда сўзлашишининг ўзидеки, табиий равишда, кули пайдо бўлаверади. Чунки лугат бойлигимизни ташкил этган сўзларнинг аксарияти камда икки хил маънога эга.

Кули — қувонч, шодлик ҳосилади. Инсон ҳаётини безаб турадиган, қалбларға ором берадиган гўзал туйғу. Ҳатто унинг инсон саломаятига ҳам жиддий таъсири бор.

— Тез-тез мириқиб кулиб турадиган кишиларда юрак-қонтомир касалликлари бошқаларға нисбатан иккинчи барибар кам учрайди, — дейди шифокоркардиолог Манзура Бекчанова. — Заонавий тиббиётда айнан самимий ва юракдан кулиш том маънода айрим жиддий хасталиқлар учун бекиёс муолажа вази фасини ўташи ҳам алақачон аниқланган. Шу боис юрак-ишемик касалликлари билан оғирган беморларға ҳажвийлардан завқланиш, латифалар ўқиш, қизичилар томошасига бефарқ қарамасликни тавсия қилинади.

Таъкидлаш жоизки, дунёдаги барча халқларда кули, ундан завқланиш, сўз ўйинлари асосидаги ҳажвийлар мав-

жуд. Аmmo миллатларнинг ўзига хос маънавий-ахлоқий улчамларидан келиб чиққан ҳолда унга муносабат турлича.

«...Ҳой, афанди, эшагинга тушунтириб қуй, мени курганда иккинчи жангнамасин. Акс ҳолда, устидан ёзиб юбораман!»

— Ҳа, тақсир, узру, аmmo эшак шакли курсе, барибир ханграйди-да!»

Муҳиддин Дарвешов яратган ушбу латифа ҳозиргача даврларда айтिलाди. Кибр-ҳавоға берилган одамлар ентли юмор билан халқимизга хос баррикенгликка, дўстона муносабатга, аҳил ва иноқ яшашга даъват этилган.

Айни пайтда ҳам ушбу санъат тури ривожланишда. Таниқли қизичилар якка ва гурӯҳ тарзида иход қилишаётди.



Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди  
Республика бошқаруви

**Mahalla**  
ижтимоий-сиёсий ва маърифий газега

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлиғида 2006 йил 6 декабрда 0019 рақами билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир  
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар:  
236-53-93 233-10-73  
236-53-75 236-57-62  
Факс: 233-39-89



Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди.  
Формати — А-2, 4 босма табоқ.  
Саҳифаловчи: Л.Мейликов  
Мусахҳих: Н.Азимова  
Навбатчи: Н.Юнусова  
Нашр навбатчиси: Э.Жуманов  
Нашр кўрсаткичи: 148

Тахририят манзили:  
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси 32-уй  
Индекс: 100083

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.  
Босмахона манзили:  
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30.